

ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТУГРИ ТАШКИЛ ЭТИШ-ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ ОШИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР.

Муаллифлар:

Атакулова Зулфия Тухтасиновна

Андижон вилояти, Андижон тумани 1-сон техникуми

zataqulova6@gmail.com

Дуал таълим бугунги кунда замонавий касбий таълим тизимининг энг самарали моделларидан бири сифатида тан олинган. Дуал таълим тизими хозирги кунда касб-хунар таълим тизимини модернизация қилишда энг самарали ендошувлардан бири сифатида эътироф этилмокда. Дуал таълимнинг асосий тамойили-назарий билимларни амалиётда куллашдир. Ушбу тизимнинг асосий мохияти укувчида олинган назарий билимларни амалиётда дархол куллаш имкониятини яратишдан иборатдир. Дуал таълимни тугри ташкил этиш таълим жараёнида назария ва амалиётнинг мутаносиб уйғунлашувини таъминлаб, касбий компетенцияларни тулик шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим муассасасида утиладиган назарий дарслар укувчиларга касбга оид асосий тушунча, коидалар, технологик талаблар ва фан асосларини беради. Бирок бу билимларнинг мустахкамланиши ва хақиқий куникмага айланиши учун амалиётнинг урни бекиёсдир. Дуал таълим тизимида укувчилар корхонада ёки ишлаб чиқариш амалиётида иштирок этиб, уз кули билан технологик жараёнларга оид вазифаларни бажаради, жихозлар билан ишлаш, технологик кетма-кетликка риоя қилиш, иш сандартларига амал қилиш каби амалий куникмаларга эга булади.

Амалиётнинг мунтазам равишда назария билан бирга бориши укувчининг касбий ривожланишини тезлаштиради. У назарий билимларининг хаётий ва амалиётдаги ахамиятини куради, муаммоларни ечиш, мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш каби қобилиятлари ривожланади. Шу билан бирга дуал таълим жамоа билан ишлаш маданиятини шакллантиради. Ишлаб чиқариш муҳитидаги

мулокот, жавобгарлик, интизом ва меҳнат этикаси укувчида касбга доир муҳим муносабатларни вужудга келтиради.

Самарали дуал таълим учун иш берувчи корхоналар ва таълим муассасалари уртасида узвий ҳамкорлик муҳимдир. Ушбу ҳамкорлик укув дастурини корхона талабларига мослаштириш, замонавий технологиялар ва иш жараёни талабларини мослаштириш, замонавий технологиялар ва иш жараёни талабларини киритиш имконини беради. Амалиёт улуши куп булган таълимда укувчилар технологик жараёнларни уз кули билан амалга оширади.

Дуал таълимни тугри ташкил этишнинг яна бир устун жихати- меҳнат бозори талабларига мос муахассисларни тайёрлашидир. Корхоналар таълим муассасаси билан ҳамкорликда талаб этиладиган куникмалар, модерн технологиялар ва иш жараёнидаги замонавий талабларни дарс жараёнига киритади. Натижада укувчи битирган пайтда иш жойи шароитига максимал даражада мослашган, тулик тайёр мутахассисга айланади.

Хулоса килиб айганда, дуал таълимни тугри ва тизимли ташкил этиш таълим сифати ошишининг энг муҳим омилларидан биридир. У назария ва амалиёт уртасидаги узилишни бартараф этади, укувчиларнинг касбий тайёргарлигини кучайтиради, уларни ишлашга тайёр ва ракобатбардош мутахассис сифатида шакллантиради. Шунинг учун дуал таълимни жорий этиш ва уни самарали ташкил килиш замонавий таълим стратегиясининг устувор йуналишларидан хисобланади.

Аннотация

Ушбу мақолада дуал таълимни тугри ташкил этиш ва унинг таълим сифатига таъсирини таҳлил килинган. Дуал таълим тизими назария ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаб, укувчиларда амалий куникмаларни самарали ривожлантиришга хизмат килади. Мақолада таълим муассасаси ва корхона уртасидаги ҳамкорликнинг аҳамияти, амалиётнинг улуши ва унинг битирувчиларнинг касбий тайёрганлиги ва меҳнат бозори талабларига

мослигини таъминлашдаги роли куриб чикилган ва муҳокама килинган. Шунингдек дуал таълим оркали укувчиларда технологик жараёнларни тушуниш, жамоада ишлаш ва маъсулиятни англаш каби муҳим компетенциялар шаклланиши таъкидланган. Маколада келтирилган таҳлиллар шуни курсатадики, дуал таълимни самарали йўлга қўйиш таълим жараёнида назария ва амалиётни уйғунлаштириш, касбий билим ва қуникмаларни юқори даражада шакллантириш ва умумий таълим сифатига ижобий таъсир курсатиш имконини беради. Шу билан бирга дуал аълим замонавий меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда дуал таълим самарали ташкил этилганда таълим сифати сезиларли даражада ошади.

Калит сузлар: дуал таълим, назария, амалиёт, касбий компетенциялар, таълим сифати, ҳамкорлик.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ахмедов Ж. Касбий таълимда дуал таълим тизими- Тошкент. Ўзбекистон касбий таълим институти. 2020й
2. Мирзаев А. Дуал таълим ва ишлаб чиқариш билан ҳамкорлик- Тошкент.- 2021
3. Назаров Ш. Амалиёт ва назария уйғунлиги- замонавий таълимда асосий тамойиллар-Тошкент. Укув қўлланма.2019.
4. Бобоев Т. Дуал таълим тизимини ривожлантириш масалалари-Тошкент. 2021
5. Каримов М. Амалиёт билан уйғунлаштирилган касбий таълим. Тошкент. 2020
6. World Bank. Skills for the Future: Dual Education Models, 2020
7. Internet manbasi: <https://www.unesco.org/education/dual-learning>
8. Internet manbasi: <https://www.uzedu.uz/dual-education>